

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD. 03/30.12.2019.Т.90.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ ФАН ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ  
БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**МАМАХОНОВ АЪЗАМ АБДУМАЖИТОВИЧ**

**ТЕХНОЛОГИК МАШИНАЛАРНИНГ ҚАЙИШҚОҚ ЭЛЕМЕНТЛИ  
ЗАНЖИРЛИ УЗАТМАЛАРИ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ВА  
ҲИСОБЛАШ МЕТОДЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.02.02 –Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина  
деталлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Content of the abstract of doctoral dissertation**

<b>Мамахонов Аъзам Абдумажитович</b> Технологик машиналарнинг қайишқоқ элементли занжирли узатмалари конструкцияларини ва ҳисоблаш методларини ишлаб чиқиш.....	3
<b>Мамахонов Аъзам Абдумажитович</b> Разработка конструкций и методов расчета цепных передач с упругими элементами технологических машин.....	27
<b>Mamahonov Azam Abdumajitovich</b> Development of designs and methods for calculating chain drives with elastic elements of technological machines.....	49
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	53

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD. 03/30.12.2019.Т.90.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ ФАН ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ  
БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**МАМАХОНОВ АЪЗАМ АБДУМАЖИТОВИЧ**

**ТЕХНОЛОГИК МАШИНАЛАРНИНГ ҚАЙИШҚОҚ ЭЛЕМЕНТЛИ  
ЗАНЖИРЛИ УЗАТМАЛАРИ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ВА  
ҲИСОБЛАШ МЕТОДЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.02.02 –Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина  
деталлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2021**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.DSc/T398 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб – саҳифасида ([www.nammqiinfo@edu.uz](http://www.nammqiinfo@edu.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

**Джураев Анвар Джураевич**  
техника фанлари доктори, профессор

Расмий опонентлар:

**Алимухамедов Шавкат Пирмухамедович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Иргашев Амиркул**  
техника фанлари доктори, профессор

**Кенжабоев Шукуржон Шарипович**  
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти**

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги фан доктори (DSc) илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «27» 08 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160103 Наманган, Ислом Каримов кўчаси, 12-уй. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: [nammqi\\_info@edu.uz](mailto:nammqi_info@edu.uz))

Диссертация билан Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18716 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160103 Наманган, Ислом Каримов кўчаси, 12-уй. Тел.: (+99869) 234-15-23)

Диссертация автореферати 2021 йил «10» 08 да тарқатилди.

(2021 йил «23-07/17» -рақамли реестр баённомаси)



**Н.Г.Байбобоев**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**В.М.Турдалиев**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

**А.Х.Умурзақов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

## Кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда машинасозлик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларида ресурстежамкор, иш унуми юқори, сифатли маҳсулот тайёрлайдиган машина ва механизмларни юқори самарадорликка эга бўлган, автоматлашган турларини яратиш ҳамда уларни тўхтовсиз такомиллаштириб бориш етакчи ўринни эгалламоқда. «Дунё миқёсида технологик машиналарнинг ишчи деталларини асосан ейилиш ҳисобига ишдан чиқишини ҳамда ишқаланиш ва ейилишни 10-15 фоизга камайтириш орқали катта миқдордаги энергияни тежаш имконияти мавжудлигини ҳисобга олсак»<sup>1</sup>, турли технологик жараёнларни бажаришда самарали ишлай оладиган, шовқин ва титрашларни сўндирадиган занжирли механизмларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ҳисоблаш усулларини яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу сабабли, энергия сарфи кам, иш унуми юқори бўлган ҳамда титрашларни сўндирадиган қайишқоқ элементли занжирли механизмлардан турли ҳил технологик машиналарнинг юритмаларида кенг фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда машинасозликнинг жадал суръатлар билан ривожланиши занжирли узатмаларнинг кинематик ва динамик имкониятлари кенг бўлган ресурстежамкор турларини яратишни ҳамда уларни ҳисоблашнинг фундаментал асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот изланишларини олиб боришни тақозо этмоқда. Ушбу йўналишда, айниқса, занжирли механизмларда ишқаланишни, ейилишни, шовқин ва титрашни камайтириш, жумладан, ёғ-мой саноатининг турли технологик машиналари юритмаларида ишлатиладиган технологик жараёнга мослашадиган, ўзгарувчан параметрли, таркибли, қайишқоқ элементли занжирли узатмаларнинг конструкцияларини яратиш, уларнинг технологик иш жараёнини асослаш ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича мақсадли илмий изланишларни олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Республикамизда машинасозликни жадал ривожлантириш, ресурстежамкор машина ва механизмлар конструкцияларининг янги турларини яратиш бўйича чуқур фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар олиб бориш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, ёғ-мой саноатидаги технологик машиналар юритиш механизмлари учун самарали, кинематик ва динамик имкониятлари кенг бўлган занжирли узатмаларнинг янги ресурстежамкор конструкцияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: «...макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»<sup>2</sup> каби вазифалар

<sup>1</sup> [www.eurasiancommission.org](http://www.eurasiancommission.org)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

белгилаб берилди. Ушбу вазифаларни бажаришда, ёғ-мой саноатидаги технологик машиналарнинг энергия ва ресурстежамкорлигини таъминлаш, юритиш механизмлари учун таркибли, қайишқоқ элементли занжирли механизмларнинг янги истиқболли конструкцияларини яратишнинг илмий-техник ечимларини ишлаб чиқиш ва фундаментал асосларини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 19 январдаги ПҚ-3484-сон «Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118-сон «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги қарорларида тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг II «Энергетика энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Механизм ва машиналарнинг янги турларини яратиш, жумладан, занжирли узатмаларларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда уларни структуравий, кинематик ва динамик ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Louisiana State University, University of Michigan, Pennsylvania State University, University of Texas, Chalmers University of Technology (АҚШ), Kyushu Institute of technology (Япония), Technical University of Denmark (Дания), Instituto Superior Técnico (Португалия), University of Strathclyde (Буюк Британия), Institute of Mechanics Leoben (Австрия), Beijing Jiaotong University (Хитой), Korea Institute of Industrial Technology (Корея), Азов–Черномория давлат агроинженерлик академияси, Кубань давлат технология университети, Бутунроссия машина-трактор парклари таъмирлаш ва эксплуатация қилиш илмий–тадқиқот институти (Россия) тадқиқотчилари томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Технологик машиналарнинг занжирли узатмалари устида R.A.Morrison, S.Mahalingham, M.Okoshi ва J.Boilton томонидан олиб борилган кўп сонли

---

<sup>3</sup> <http://dissertation.ru>; <https://deepblue.lib.umich.edu>; <https://www.nitrochain.com>; <https://www.amazon.com/Mechanics-roller-chain-drive>; <https://www.sciencedirect.com>; <https://benthamopen.com>; <https://stumejournals.com>; <http://www.dissercat.com>; <https://backend.orbit.dtu.dk>; <https://journals.sagepub.com> ва бошқа манбалардан олинган.

илмий тадқиқот ишлари роликли занжирнинг юлдузча атрофида кўпбурчак шаклида жойлашувига асосланувчи узатманинг кинематик ва динамик таҳлилларини амалга оширишга бағишланган. Jorge A.C.Ambrósio бошчилигида, юлдузча тишининг ишчи профилини такомиллаштириш ҳисобига занжирли узатмадаги динамик юкланишларни камайтиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилган (University of Lisbon). Nao-Aki Noda раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар занжирли узатма занжирининг толиқишдан шикастланишини асосан уч муҳим омилга: занжирни йиғиш жараёнига (втулкани пресслаш), пластиналарни статик чўзилишига ҳамда юлдузча билан занжир илашишида юзага келувчи жараёнларга боғлиқ ҳолда ўрганишни илгари суришган (Kyushu Institute of technology, Япония). Roberto Palazzetti бошчилигидаги тадқиқотчилар томонидан занжирли узатма ишлаш муддатини оширишда мойлаш усулларини такомиллаштириш, турли муҳитларга мос мойлаш методларини ишлаб чиқиш ва конструктив материалларни танлаш жараёни муҳим аҳамият касб этишини кўп сонли тажрибавий тадқиқот натижалари билан асослаганлар (University of Strathclyde, Буюк Британия). Markus Grinschgl муаллифлигида занжир конструктив элементларини юқори аниқликда (3D ўлчамли) моделлаштириш орқали узатманинг динамик имкониятларини яхшилаш мумкинлиги исботланган (Institute of Mechanics Leoben, Австрия). James C.Conwel ва G.E.Jonson томонидан махсус втулка роликли занжирли узатмаларни конструкцияларини такомиллаштириш ва уларни технологик машиналар ишлаш принципларига мувофиқлаштириш бўйича стандартлаштирилган конструкциялар дизайнларини яратганлар (Louisiana State University ва University of Michigan, АҚШ). Beijing Jiaotong University олимлари ҳаракат узатилувчи валлар оралиғи катта бўлган ҳолатларда, занжир узунлиги бўйлаб ҳосил бўлувчи тебраниш қийматларининг ортишини занжир ролиги ва юлдузча тишлари ейилишига таъсирини ўрганишган (Beijing Jiaotong University Хитой). Россиялик олимлар томонидан втулка-роликли занжирли узатмаларнинг ортиқча юкланишда ишлаш имкониятини тадқиқ этиш, конструкторлик ва технологик усуллар билан занжирли узатмаларнинг ишлаш имкониятини ошириш, роликли занжирли узатмаларнинг таҳлили ва синтези масалалари, занжирли узатмаларнинг техник ҳолатини ўрганиш ва баҳолаш методлари, ички илашмали втулка роликли занжирли узатмалар конструкцияларини такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган (Азов–Черномория давлат агроинженерлик академияси, Кубань давлат технология университети, Бутунроссия машина-трактор парклари таъмирлаш ва эксплуатация қилиш илмий–тадқиқот институти, Россия). Технологик машиналарда қўллаш учун занжирли узатмаларнинг самарали, ресурстежамкор конструкцияларини ишлаб чиқиш ва кинематик ҳамда динамик имкониятлари ўрганиш бўйича республикамызда ҳам кенг қамровли тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда (Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Тошкент давлат техника университети,

Тошкент тўқимачилик енгил саноат институти, Наманган муҳандислик-қурилиш институти, Наманган муҳандислик-технология институти).

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё олимлари томонидан занжирли узатмалар асосида керакли кинематик ва динамик ҳаракат қонуниятларини берувчи юқори унумдорликка эга механизм ва машиналар конструкцияларини яратиш, назарий асосларини ўрганиш, мақбул ҳисоблаш методларини ишлаб чиқиш, керакли ҳаракат қонунларини олиш, энергия ва ресурстежамкор технологик қурилмалар яратиш каби долзарб масалаларни ҳал этиш борасида бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Jon Juel Thomsen ва Niels Fuglede, Li-Qun Chen, R.A.Morrison ва Robert G.Parker, R.C.Binder каби олимлар томонидан олиб борилган ишлар шулар жумласидан.

МДХ давлатлари тадқиқотчилари томонидан занжирли узатманинг таҳлили, синтези ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан таниқли олимлар: Н.С.Ачеркан, Н.В.Воробьев, Д.Н.Решетов, И.П.Глушенко, И.И.Ивашков, А.А.Петрик, Г.Б.Столбин, А.А.Готовцев, Г.К.Рябов, С.А.Метильков, А.В.Пунтус, С.А.Дубиняк, П.Н.Учаев, О.И.Остапенко, С.Б.Бережнойларнинг олиб борган илмий-тадқиқотлари диққатга сазовор.

Юртимиз олимлари Х.Х.Усмонходжаев, А.Джураев, К.А.Каримов, Р.И.Каримов, Ш.П.Алимухамедов, А.Ризаевлар, Ж.Мухамедов, С.З.Юнусов, В.М.Турдалиев, Ш.Ш.Кенжабоев, А.Х.Умурзаковлар томонидан технологик машиналарда ишлатиладиган эгилувчан звеноли механизмларнинг кинематик ва динамик таҳлил қилишнинг назариялари асосида ресурстежамкор конструкциялар ишлаб чиқилган. Лекин ушбу тадқиқотларда айнан занжирли узатмаларнинг янги ресурстежамкор конструкцияларини яратиш, кинематик ва динамик имкониятларини кенгайтириш ҳамда уларни ҳисоблаш методлари юзасидан комплекс тадқиқотлар олиб борилмаган. Шунингдек, технологик машиналарнинг эксплуатацион хусусиятларини инобатга олган ҳолда юритмалар таркибидаги занжирли узатмаларнинг ресурстежамкор конструктив ечимлари ишлаб чиқилмаган. Ушбу техник-технологик муаммоларнинг ечимини топиш учун кинематик ва динамик имкониятлари кенг бўлган, самарали ресурстежамкор занжирли узатма конструкцияларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳисоблашнинг назарий асосларини ривожлантириш бўйича етарлича илмий изланишлар олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институтининг ЁФ-2-3 «Технологик машиналар узатмаларидаги таркибли юлдузчали ва қайишқоқ таранглаш роликли, ресурстежамкор занжирли узатмаларни кинематик ва динамик ҳисоблашнинг илмий асослари» (2016-2017), ЁОТ-Атех-2018-93 «Ўсимликлардан ёғ ишлаб чиқариш технологик машиналари юритмасидаги занжирли узатмалари ресурстежамкор конструкциясини ишлаб чиқиш ва параметрларини ҳисоблаш (2018-2019) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.



**Тадқиқотнинг мақсади** технологик машиналар учун ресурстежамкор, самарали қайишқоқ элементли занжирли узатма конструкцияларини яратиш ҳамда уларнинг кинематик ва динамик таҳлиллари асосида ҳисоблаш методларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

технологик машиналар юритмалари учун қайишқоқ элементли занжирли узатмаларнинг самарали янги конструкцияларини ишлаб чиқиш;

занжирнинг таркибли қайишқоқ элементли ролиги тебраниш амплитудасини, статик ва динамик тебранишларини назарий ва амалий тадқиқ этиш;

технологик машиналарнинг технологик қаршилигини, асинхрон юритгичлар, ички ёнув юритгичи механик характеристикаларини ва узатмани диссипатив-қайишқоқлик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда машина агрегатлари динамик ва математик моделларини ишлаб чиқиш, сонли ечимлари асосида занжирли узатма бўғинларини ҳаракат қонунларини аниқлаш, мақбул параметрларини асослаш;

занжирли узатмаларнинг тажрибавий нусхаларини яратиш, етакчи ва етакланувчи валлардаги кинематик ва динамик параметрларни тажрибавий усулда ишчи режимларда ўлчаш;

ишлаб чиқариш шароитида қайишқоқ элементли занжирли узатмаси бўлган технологик машиналарни синовдан ўтказиш, технологик параметрларини аниқлаш, ишлаб чиқаришга қўллаш учун тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида, ёғ-мой саноатида бункердаги чигитни линтерлаш машиналарига тақсимлаб берувчи барабан юритмаси, редлер конвейери, экстрактор ва тостер қурилмаларининг винтли ковейерлари юритмалари, тупроққа экиш олдидан ишлов берувчи комбинациялашган агрегат ҳамда пахтани дастлабки ишлаш корхонасида момикни узатувчи винтли конвейер юритмаларидаги занжирли узатмалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни занжирли узатмалар конструкциялари, кинематик ва динамик параметрлари, боғланишлари, уларнинг характеристикалари, ҳисоблаш схемалари, математик ва динамик моделлари, ҳаракат қонунлари ҳамда параметрларининг тавсия этилган қийматлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида қайишқоқ элементли занжир ва юлдузчалардаги юкланишлар, тебраниш ва ҳаракат қонунларини аниқлашда олий математика, материаллар қаршилиги, машина ва механизмлар назарияси, тебранишлар назарияси, машиналар динамикаси, ишчи қисмларининг ҳаракат режимларини асослашда машинасозлик ва технологик машиналарни синаш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

занжир таркибли ролиги қайишқоқ втулкасининг айланма деформациясини инобатга олиб, юлдузчалар тишларининг қадамига мувофиқ

втулканинг бикирлиги ҳамда узатманинг узатиш нисбатини ҳисоблаш формулалари ишлаб чиқилган;

занжирнинг таркибли ролиги қайишқоқ втулкасининг бикирлигини ортиши билан унинг хусусий тебраниш частотаси чизиқсиз қонуниятда ортиши ва динамик кучланишнинг камайиш қонунияти аниқланган;

ишлаб чиқилган таркибли етакланувчи юлдузчали занжирли узатма узатиш функцияси, деформацияловчи куч, бикирлик коэффиенти ҳамда занжирли узатма ишлаш муддатини ҳисоблаш формулалари олинган ва улар асосида етакловчи юлдузча қайишқоқ втулкасининг деформация қийматлари ортиши билан занжир тишининг қадамини ортирилгандагина ўқлар орасидаги масофани сақлаш мумкинлиги асосланган;

занжирли узатмаси бўлган олти массали машина агрегати ҳаракат тенгламалари системасининг сонли ечими асосида, ишчи орган ва занжирли узатма етакланувчи юлдузчасининг тезлик, тезланиш ҳамда буровчи моментларининг ўзгариш қонуниятлари ташқи қаршилик кучи моментига боғлиқ равишда аниқланган;

занжирли узатма етакланувчи валидаги буровчи момент ва уни тебраниш қамровини технологик қаршиликка боғлиқлик қонуниятлари олинган ва улар асосида таркибли ролик втулкаси учун резина маркасини танлаш усули ишлаб чиқилган;

етақловчи вал бурчак тезлигининг тебраниш қамровини максимал камайтириш учун номинал технологик қаршиликда занжирнинг таркибли ролиги резинали втулкасининг айланма бикирлиги қийматлари асосланган;

тажрибавий усулда етакланувчи юлдузчаси қайишқоқ элементли занжирли узатма ерга ишлов берувчи агрегатда қўлланилганда, қозикли барабан валидаги буровчи момент ва айланиш частотасини ўзгариш қонуниятлари агрегат иш унуми ва қайишқоқ втулка бикирлигига боғлиқлиги ва буровчи момент тебраниш оралиғининг чизиқсиз қонуниятда камайиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

технологик машиналар узатиш механизмлари учун қайишқоқ элементлари бўлган занжирли узатмаларнинг ресурстежамкор конструкциялари ишлаб чиқилган;

етақланувчи юлдузчаси таркибли, қайишқоқ элементли занжирли узатмани ерга экиш олдидан ишлов берувчи агрегатда қўлланилганда тупроқни майдаланиш даражаси 25 фоизга ортиши ҳисобига ҳосилдорликни  $(4 \div 5)$  фоизга кўпайиши аниқланган;

бункердаги чигитни линтерлаш машиналарига тақсимлаб берувчи барабан юритмаси, редлер конвейери, экстрактор ва тостерга мисцеллани етказиб берувчи герметик шнеklarнинг юритмаларига ўрнатилган қайишқоқ элементли занжирли узатма тажрибавий нусхаларини қўллаш натижасида, юритма ресурси 20 фоизга ортган, момикни ташувчи винтли конвейерга қўллаш натижасида эса, мавжуд конструкцияга нисбатан момик таркибидаги турли хилдаги ифлослик миқдори камайган, ташиш жараёнидаги тозалаш

самарадорлиги момик навларига қараб 5,75 фоиздан 10,54 фоизга ошган, конвейер ресурси 25 фоизга ортган, занжир ролиги ейилиши 2,3 мартага, шовқин 2 мартага камайган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усуллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мутаносиблиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган занжирли узтамалар конструкциялари ва технологик машиналар юритмаларига татбиқ этиб, олинган назарий кўрсаткичларни ишлаб чиқариш синовлари кўрсаткичлари билан таққослаш натижалари орқали изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таркибида қайишқоқ элементлари бўлган занжирли узатмаларни кинематик ва динамик таҳлил методлари, математик моделлари, юлдузча валларини ҳаракат қонунлари, занжир ва тарангловчи ролик тебраниш қонунлари, боғланиш графиклари, параметрларни асосланган қийматлари ҳамда олинган натижалар технологик машиналар юритмаларини ҳисоблаш назарияси, занжирли узатмаларни ҳисоблаш методлари назарий асосларини тўлдирилганлиги билан изоҳланади.

Олинган натижаларни амалий аҳамияти яратилган ресурстежамкор, самарали занжирли узатмаларнинг конструкциялари ишлаб чиқилганлиги уларни ёғ-мой саноати, пахтани қайта ишлаш корхоналари ҳамда қишлоқ хўжалиги машина агрегатларида қўлланилганлиги, иш унуми ва ресурсини ортиши, шовқин қийматини камайиши, маҳсулот сифатини юқори бўлиши таъминланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Технологик машиналарнинг қайишқоқ элементли занжирли узатмалари конструкцияларини ва ҳисоблаш методларини ишлаб чиқиш асосида:

қайишқоқ элементли занжирли узатмалар конструкцияларига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 3 та ихтирога патентлари олинган (1. ЎзР. Патенти №ІАР05745. Занжирли узатма. Бюлл., №1. 2019 й. 2. ЎзР. Патенти №ІАР05760. Занжирли узатма. Бюлл. №2. 2019 й. 3. ЎзР. Патенти №ІАР06200. Занжирли узатма. Бюлл. №4. 2020 й.). Натижада, технологик машиналар юритмаларида ҳаракатни узатиш механизмлари ишлаш муддати ва ишончлилигини ошириш, иш зоналарида шовқин даражасини камайтириш имкони яратилган;

ҳаракатни узатиш механизмлари рационал параметрлари Наманган вилояти Наманган туманидаги «Намангантолатекстил» МЧЖда жорий этилган (Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 19 февралдаги КСЗ-214-сон маълумотномаси). Натижада технологик тизимда юзага келувчи тўхталишлар сони ўртача 3 марта камайган, чигитни линтерлаш машиналарига тақсимлаб берувчи барабан юритмаси, редлер конвейери, мицеллани тостерга узатувчи ва экстракторга ёғли кунжарани узатувчи герметик шнек юритмалари иш ресурсини 1,2 мартага ортишига эришилган;

таркибли роликли занжирли узатма конструкциялари Наманган вилояти Наманган туманидаги «Намангантолатекстил» МЧЖда жорий этилган (Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 19 февралдаги КСЗ-214-сон маълумотномаси). Натижада занжирли узатмалардаги шовкин даражасини 2,1 мартага камайишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, жумладан, 15 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда ва 2 та монография нашр этилган. Интеллектуал мулк агентлигининг 5 та ихтирога патентлари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 212 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметлари аниқланган, республика фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **«Технологик машиналар занжирли узатмаларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар таҳлили»** деб номланган биринчи бобида занжирли узатмаларни такомиллаштириш ва ҳисоблаш методларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар таҳлили берилган. Занжирли узатмаларнинг конструктив хусусиятлари асосида узатманинг янги классификацияси ишлаб чиқилган. Технологик машиналар юритиш механизмлари учун қайишқоқ элементлари бўлган занжирли узатмаларни ишлаб чиқиш, ҳисоблаш методларини яратиш муҳимлиги таъкидлаб ўтилган.

Диссертациянинг **«Технологик машиналарнинг самарали, ресурстежамкор занжирли узатмалари конструкцияларини ишлаб чиқиш»** деб номланган иккинчи бобида занжирли узатмаларни янги қайишқоқ элементли конструктив схемалари ишлаб чиқилган, ўзига хос томонлари батафсил кўрсатиб берилган.

Занжирли узатма равон ишлашини таъминлаш, чидамлилигини ошириш мақсадида узатманинг янги конструкцияси тавсия этилди (1-расм). Тавсия

этилган занжирли узатмада айланма ҳаракат етакловчи юлдузча 1 дан етакланувчи юлдузча 2 га занжир 3 орқали узатилади. Сўнгра ҳаракат етакланувчи юлдузча 2 дан резина втулка 5 ва металл втулка 6 орқали вал 7 га узатилади. Вал 7 технологик машина ишчи органига айланма ҳаракатни




1-расм. Қайишқоқ элементли етакланувчи юлдузчали занжирли узатма схемаси

узатади. Бунда ишчи органдаги қаршилик моментининг мураккаб тебранишлари вал 7 ва втулка 6 орқали резина втулка 5 га таъсир қилади. Резина втулка 5 нинг қайишқоқлик-диссипатив хусусиятларига мувофиқ, қаршилик моментининг мураккаб тебранишлари етарлича сўнади, яъни юлдузча 2 ва

занжир 3 орқали юлдузча 1 га таъсири етарли даражада камаяди.

2-расмда қайишқоқ втулкали таркибли роликлари бўлган занжирларни конструктив схемалари 4 хил вариантда тавсия этилган. Қайишқоқ элементли роликли занжир юкланишларни амортизациялайди, роликнинг ейилишини камайтиради, узатма ишлаш муддатини оширади.




a-занжирнинг эгри сиртли резина втулкали таркибли ролиги схемаси; б-резина втулкали ботиқ сиртли ролик схемаси; в-резина втулкаси бўлган металл халқали ролик схемаси; г-резина таянчли ўқи бўлган занжир бўлаги схемаси

2-расм. Таркибли элементли роликлари бўлган занжирлар тавсия схемалари

Диссертациянинг «Қайишқоқ элементли занжирли узатма параметрларини ҳисоблаш методлари» деб номланган учинчи бобида тавсия қилинган узатманинг таркибли ролиги қайишқоқ элементининг бикирлигини, тебраниш амплитудаси ва частотасини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Шунингдек таркибли қайишқоқ элементли таранглаш ролиги ҳамда етакланувчи юлдузчаси параметрларини ҳисоблаш методлари тавсия қилинган.

3-расмда занжирли узатма таркибли ролигинг деформацияланиш ҳолати келтирилган. Илашмадаги юлдузчанинг биринчи ва иккинчи тишларида бошқа тишларига нисбатан юкланиш қиймати катта бўлиб, кейинги тишларда юкланиш қиймати камайиб боради. Таркибли ролик қайишқоқ втулкасининг ролик ўқи атрофидаги максимал деформация қиймати йиғиндиси занжир қадамнинг  $0,15 \div 0,225$  қиймати оралиғида бўлиши тавсия этилади.



1-юлдузча, 2-занжир, 3-ўқ,  
4-втулка, 5-резина втулка, 6-ҳалқасимон  
ташқи втулка.  $AC = \frac{d_h - d_v}{2}$  – қайишқоқ  
резина втулканинг дастлабки  
қалинлиги;  $\delta_{11} = AB$  – юлдузча тиши ва  
ролик таъсирида ҳосил бўлган қайишқоқ  
втулка деформацияланиш қиймати.


а-занжир ва юлдузча илашиши натижасида ролик таркибидаги қайишқоқ втулка деформацияланиш схемаси; б – ролик таркибидаги қайишқоқ втулканинг деформация қийматини ҳисоблаш схемаси

**3-расм. Таркибли роликли занжирли илашма схемаси**

У ҳолда қайишқоқ втулка биқирлиги қуйидагича аниқланади:

$$c_1 = \frac{R_1 \cdot M_\partial}{(0,15 \div 0,225)t}; \quad c_2 = \frac{R_2 \cdot M_\partial}{(0,15 \div 0,225)t}. \quad (1)$$

4-расмда тасвирланган графикдан шуни кўришимиз мумкинки, юлдузча тиш қадамининг ортиши ролик таркибидаги қайишқоқ втулка айланма биқирликлар йиғиндисини камайишига сабаб бўлади. Кўрилаётган таркибли роликли занжирли узатма занжирининг қайишқоқ втулкаси биқирлиги  $c_1 = 2,84 \div 3,52 \cdot 10^2$  Нм/рад;  $c_2 = 4,42 \div 5,3 \cdot 10^2$  Нм/рад ва резина маркази В-14МВС бўлиши тавсия этилади.




1,2- етакланувчи юлдузчада; 3,  
4 етакловчи юлдузчада, 1,3-  
ҳолда  $0,15t$ ; 2,4-ҳолда  $-0,225t$ ;  
 $t$  – юлдузча тиш қадами  
**4-расм. Занжир таркибидаги  
қайишқоқ элемент  
биқирлиги йиғиндисини  
ўзгаришининг юлдузча тиш  
қадами ўзгаришига  
боғлиқлик графиклари**

Таркибли роликнинг кўндаланг тебраниш ҳаракат дифференциал тенгламасини, статик мувозанат тенгламаларига инерция кучини қўшиш орқали ҳосил қилинди:


$$\frac{\partial^4 w(x,t)}{\partial x^4} + 4\beta^4 w(x,t) + \frac{\rho h}{D} \cdot \frac{\partial^2 w(x,t)}{\partial t^2} = Q_0 \cos pt, \quad (2)$$

бунда,  $Q_0 = \frac{P_0}{S_c \cdot D}$ ;  $P_0$  – ташқи таъсир кучи;  $S_c$  – таркибли роликнинг ташқи сирт юзаси;  $p$  – ташқи босим кучининг тебраниш частотаси;  $D$  – цилиндрлик бикирлик;  $w = w(x, t)$  – роликнинг кўндаланг эгилишдаги кўчиши;  $t$  – вақт.

Масалани сонли ечими асосида параметрларни боғланиш қонуниятлари олинди (5,6-расмлар). 5-расмдаги графиклар таҳлилидан шуни хулоса қилиш мумкинки, қайишқоқ элемент қайишқоқлик коэффициентини ортиб бориши билан кўндаланг статик кўчиш қийматлари камайиб боради. Бу эса ўз навбатида ролик остида жойлашган валик-втулка жуфтлигида юзага келувчи ишқаланиш кучлари ва зарарли зарбларни камайишига олиб келади. Графиклар (6-расм) таҳлилидан шуни хулоса қилиш мумкинки, қайишқоқлик коэффициентини  $k$  ни ўсиб бориши билан динамик кўчиш  $w_d$  ва унинг амплитудаси  $w_{da}$  ни қийматларини камайдиганини кўришимиз мумкин. Динамик кўчиш  $w_d$  ва унинг амплитудавий қиймати  $w_{da}$  нинг камайиши билан занжир элементларига зарарли таъсирлар миқдорини камайиши ва ўз навбатида ейилиш жараёнини секинлашишига сабаб бўлади.



1 –  $k = 0$ ; 2 –  $k = 0,2$ ; 3 –  $k = 0,3$ ;  
4 –  $k = 0,4$ ; 5 –  $k = 0,5$ ; 6 –  $k = 0,6$   
**5-расм. Таркибли ролик кўндаланг статик кўчиши  $w(x)$ нинг ролик узунлиги бўйича қайишқоқ элементининг  $k$  коэффициентга боғлиқ ўзгариши**



1 –  $k = 0$ ; 2 –  $k = 0,2$ ; 3 –  $k = 0,3$ ;  
4 –  $k = 0,4$ ; 5 –  $k = 0,5$ ; 6 –  $k = 0,6$   
**6-расм. Таркибли ролик кўндаланг динамик кўчиши  $w_d(x, t)$  нинг ролик узунлиги бўйича максимал статик  $w_{max}$  қийматга асосан, қайишқоқ элементнинг  $k$ -коэффициент ва  $t$  – вақтга боғлиқ ўзгариши**

Занжирли узатмада таранглаш ролиги таркибли қилиб резинали втулка билан таъминланганда, унинг бикирлигини қуйидаги ифода орқали аниқланади:


$$c_T = \frac{2}{\delta_m} f_u q r_3 \cos \varphi_3 \sqrt{2 \left[ 1 - \cos 2 \left( \varphi_3 + \frac{4\Delta_3}{l_3} \right) \right]}, \quad (3)$$

бунда  $\delta_m$  – таранглаш ролиги қайишқоқ (резинали) втулкасининг деформация киймати;  $f_u$  – занжирни таранглаш ролиги билан ишқаланиш коэффициентини;  $q$  – занжирнинг узунлик бирлигидаги оғирлиги, Н/м;  $r_3$  – таранглаш ролиги радиуси;  $\varphi_3$  – қамров бурчагининг ярми;  $\Delta_3$  – занжир салқилиги;  $l_3$  – занжирли узатма етакланувчи тармоғи узунлиги.

Олинган натижалар таҳлилига асосан таранглаш ролиги радиуси  $2,0 \cdot 10^{-3}$  м дан  $5 \cdot 10^{-3}$  м гача кўпайганда, бикирлик  $1,0 \cdot 10^3$  Н/м дан  $5,0 \cdot 10^3$  Н/м гача ортиб боради. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, таранглаш ролиги радиуси ортиши билан занжирнинг қайишқоқ втулкага таъсири ҳам ортади, унинг деформацияланиши кўпаяди. Қамров бурчаги ҳам мос равишда ортади. Юқорида таъкидланганидек, занжир тебранишлари  $2,0 \div 3,0$  мм дан ошмаслиги инобатга олинса, қамров бурчагини кўпайтириш, ишқаланиш коэффициентини камайтириш ва кичик радиусда таранглаш ролигини тайёрлаш керак бўлади. Шунинг учун кўрилатган занжирли узатма тавсия параметрлари қуйидагича ораликда бўлиши муҳим ҳисобланади:  $f_u = 0,1 \div 0,13$ ;  $\varphi_3 = 0,3 \div 0,45$  рад,  $r_3 = (2,5 \div 4,0) \cdot 10^{-2}$  м.

Диссертациянинг «Технологик машиналар қайишқоқ элементли занжирли узатмалари бўлган машина агрегатларининг динамик таҳлили» деб номланган тўртинчи бобида мой ишлаб чиқариш технологик тизимида кунжарани ташишда занжирли узатмали редлер конвейери, линтерлаш машиналари учун тақсимлаш барабани, занжирли узатмаси бўлган ерга экиш олдидан ишлов берувчи машинаси ҳамда момикни тозаловчи юритмасида қайишқоқ элементли занжирли узатмаси бўлган машина агрегатларининг динамик таҳлиллари натижалари келтирилган.

Тўлиқ чигитни туксизлантириш учун линтерлаш машиналарига занжирли узатмали чигитни тақсимлагич барабани машина агрегати динамик модели 7-расмда келтирилган, математик модел эса қуйидагича (6) олинган:



7-расм. Таъминловчи барабан юритгич механизмини ўз ичига олган динамик модели

$$\frac{dM_{\text{Ю}}}{dt} = \psi \left( \omega_c - \rho \frac{d\varphi_{\text{Ю}}}{dt} \right) - \frac{M_{\text{Ю}}}{T_3}; \quad \frac{d\psi}{dt} T_3 = 2M_k - \psi - \left( \omega_c - \rho \frac{d\varphi_{\text{Ю}}}{dt} \right) M_{\text{Ю}} \cdot T_3,$$

$$T_3 = (\omega_c \cdot S_k)^{-1}; \quad \psi = S_k \frac{M_{\text{Ю}} + T_3 \frac{dM_{\text{Ю}}}{dt}}{S},$$

$$(J_p + J_M) \frac{d^2\varphi_{\text{Ю}}}{dt^2} = M_{\text{Ю}} - C_1(\varphi_{\text{Ю}} - u_{12}\varphi_2) - \epsilon_1 \frac{d\varphi_{\text{Ю}}}{dt} - u_{12} \frac{d\varphi_2}{dt},$$

$$(J_M + u_{p2}^2 \cdot J_{\text{ред}} + u_{p2}^2 \cdot u_{\text{Ю}2}^2 \cdot J_{\text{Ю}1}) \frac{d^2\varphi_2}{dt^2} = u_{12} C_1(\varphi_2 - u_{12}\varphi_2) +$$

$$+ u_{12} \epsilon_1 \left( \frac{d\varphi_1}{dt} - u_{12} \frac{d\varphi_2}{dt} \right) - M_u - C_2(\varphi_2 - u_{23}\varphi_3) - \epsilon_2 \left( \frac{d\varphi_2}{dt} - u_{23} \frac{d\varphi_3}{dt} \right),$$

$$J_{\text{Ю}2} \frac{d^2\varphi_3}{dt^2} = u_{23} \cdot C_2(\varphi_2 - u_{23}\varphi_3) + u_{23} \epsilon_2 \left( \frac{d\varphi_2}{dt} - u_{23} \frac{d\varphi_3}{dt} \right) - C_3(\varphi_3 - u_{34}\varphi_4) -$$



$$\left(J'_{\text{ю2}} + J_6\right) \frac{d^2\varphi_4}{dt} = C_3 U_{34} (\varphi_3 - u_{34} \varphi_4) + u_{34} v_3 \left(\frac{d\varphi_3}{dt} - u_{34} \frac{d\varphi_4}{dt}\right) - M_{\text{к}}, \quad (6)$$


бунда  $J_p, J_M$  – юритгич ротори ва муфта ярим қисми инерция моментлари;  $J_{\text{ред}}, J_{\text{ю1}}$  – редуктор элементлари ва етакланувчи юлдузча инерция моментлари;  $J_{\text{ю2}}$  – етакловчи юлдузча ички вал қисми инерция моменти;  $J_6$  – тақсимловчи барабан инерция моменти;  $\dot{\varphi}_{\text{ю}}, \dot{\varphi}_2, \dot{\varphi}_3, \dot{\varphi}_4$  – мос равишда массалар бурчак тезликлари;  $u_{12}, u_{23}, u_{34}$  – мос массалар орасидаги узатиш нисбатлари;  $C_1, C_2, C_3$  – қайишқоқ элементлар айланма бикирлик коэффицентлари;  $v_1, v_2, v_3$  – қайишқоқ элементлар (муфта, занжирли узатма, таркибли етакланувчи юлдузчанинг қайишқоқ элементи) диссипация коэффицентлари;  $M_u$  – ишқаланиш кучлари моменти;  $M_{\text{ТҚ}}$  – технологик қаршилик кучлари моменти.

Тавсия қилинган таркибли (роликли) етакланувчи юлдузчали занжирли узатма қўлланилганда, ушбу машина агрегати 4 массали системадан иборат бўлади. Бунда биринчи массага электр юритгич ротори, муфта ярим бўлаги, иккинчи массага муфта иккинчи ярим бўлаги ва редуктор элементлари келтирилган массалари ҳамда занжирли узатма етакловчи юлдузчаси массаси киради, учинчи массага занжирли узатма етакланувчи юлдузчаси ички қисм массаси, тўртинчи массага етакланувчи юлдузча ташки гардиши ва тақсимловчи барабан массаси киради.

Олинган ҳаракат қонунлари таҳлилига асосан, шуни таъкидлаш мумкинки, системанинг барқарор ҳаракати ўртача  $0,32 \div 0,35$ с оралиғида чиқади. Бунда юритгич ротори бурчак тезлиги ўртача  $98,5 \text{с}^{-1}$  да бўлса, етакловчи юлдузча вали  $12,1 \text{с}^{-1}$ , ҳамда етакланувчи юлдузча вали ва тақсимловчи барабан бурчак тезликлари  $8,15 \text{с}^{-1}$  атрофида ўзгаришини кўришимиз мумкин. Таъкидлаш лозимки, тақсимловчи барабан бурчак тезлиги тебраниши юлдузча валига таъсири резинали амортизатор орқали етарлича ютилиши аниқланди. Бу юритгич ротори бурчак тезлигини тебранишини камайишига олиб келади.

8-расмда тақсимловчи барабан, юлдузчалар валлари ва юритгич ротори бурчак тезликлари қамровлари, юритгичдаги юкланишларни технологик қаршиликка боғлиқлик графиклари келтирилган. Бунда технологик қаршилик  $0,25 \cdot 10^2 \text{Нм}$  дан  $1,6 \cdot 10^2 \text{Нм}$  гача ортганида, юритгич валидаги буровчи момент қиймати ишқаланиш кучлари моменти  $10,5 \text{Нм}$  қилиб олинганда,  $21,5 \text{Нм}$  дан  $60,5 \text{Нм}$  гача ортади. Агарда  $M_{\text{и}}$  қиймати  $15,17 \text{Нм}$  гача кўпайганда ротор валидаги буровчи моментнинг қиймати  $7,81 \cdot 10^2 \text{Нм}$  гача ночизиқлик қонуниятда ортиб боради. Шунинг учун ишқаланиш кучлари моментини  $10 \text{Нм}$  дан ошмаслигини, шунингдек технологик қаршиликни  $1,25 \cdot 10^2 \text{Нм}$  дан ошмаслиги, мақсадга мувофиқ. Олинган график боғланишлар таҳлилига асосан (9-расм) етакланувчи юлдузча резина втулкасини солиштирма бикирлик коэффицентини  $C_3/C_{3\text{х}}$  қиймати  $0,25$  дан  $1,5$  гача орттирилганда  $\Delta\dot{\varphi}_4$  қийматлари  $1,12 \text{с}^{-1}$  дан  $0,56 \text{с}^{-1}$  гача камаяди.


Тақсимловчи барабан бурчак тезлиги тебраниш қамровини  $(0,8 \div 1,0)c^{-1}$  дан ошмаслигини ҳамда юритгич валини равон ишлашини таъминлаш учун тавсия қийматлари:  $C_1/C_{1x}=(1,0 \div 1,2)$ ;  $C_2/C_{2x}=(1,2 \div 1,5)$ ;  $C_3/C_{3x}=(0,85 \div 1,0)$ .



$$1 - \Delta\phi_{\text{ю}} = f(M_{\text{ТК}}), 2 - \Delta\phi_2 = f(M_{\text{ТК}}), \\ 3 - \Delta\phi_3 = f(M_{\text{ТК}}), 4 - \Delta\phi_4 = f(M_{\text{ТК}})$$

5 -  $M_{\text{и}} = 10,52 \text{ Нм}$  да, 6 -  $M_{\text{и}} = 15,75 \text{ Нм}$  да

**8-расм. Тақсимловчи барабан, юлдузчалар валлари ва юритгич ротори бурчак тезликлари тебраниш қамровлари, юритгичдаги юкланишларни технологик қаршиликка боғлиқлик графиклари**



$$1 - \Delta\phi_{\text{ю}} = f(C/C_x); 2 - \Delta\phi_2 = f(C/C_x); \\ 3 - \Delta\phi_3 = f(C/C_x); 4 - \Delta\phi_4 = f(C/C_x);$$

$M_{\text{ТК}} = (110 + 12\sin\omega t) \text{ Нм}$  да

**9-расм. Тақсимловчи барабан, юлдузчалар валлари ва юритгич ротори бурчак тезликлари тебраниш қамровлари муфта қайишқоқ элементи, занжирли узатма ва таркибли етакланувчи юлдузча қайишқоқ элементларининг айланма бикирлик коэффицентларига боғлиқлик графиклари**

Ерга ишлов берувчи агрегат ускунаси машина агрегатининг динамика масаласини ечиш асосида олинган қонуниятлардан шуни кўриш мумкинки, кесакдан келаётган қаршилик моменти ортиши билан қозиқли барабан бурчак тезлиги чизиқсиз қонуниятда камаяди, шунинг билан бирга валдаги момент қиймати ортади. Таҳлилларга асосан бурчак тезлик ва бурчак тезланишининг юқори частотада тебраниши (кичик амплитудада) қўшимча импульс кучларини ҳосил қилиб, кесакни янада самаралироқ майдаланишига олиб келади. Шунингдек ушбу тебранишлар кинематик жуфтлардаги ишқаланишни кўпайтиради, юритгичга тушадиган қаршилик ўзгариши бир меъёрда ишлашига тўсқинлик қилади. Шунинг учун, биринчи ҳолдаги самарани мумкин қадар сақлаб қолган ҳолда, таъсирни камайтириш йўлини тутиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Момиқни тозаловчи винтли конвейер юритмасида тавсия этилган занжирли узатма қўлланилган. Винтли конвейер ҳисоб схемаси уч массали система кўринишида қабул қилинган: 1-масса двигателъ ротори ва занжирли узатма етакловчи юлдузчасидан иборат; 2-масса етакланувчи юлдузча ва редуктор тишли ғилдирақларининг келтирилган массаларидан, шунингдек


муфта етакловчи қисмидан иборат; 3-етақланувчи қисми муфта ва винтли вални ўз ичига олади.

Винтли конвейер элементлари ҳаракатини ифодаловчи дифференциал тенгламалар системаси қўйидаги кўринишга эга:


$$\begin{aligned}
 M_d &= f(\dot{\varphi}_d); J_d \ddot{\varphi}_d = M_d - B_p \Delta \dot{\varphi}_{dp} - c_p \Delta \varphi_{dp}, \\
 J_{пр} \ddot{\varphi}_{ред} &= u_{dp} (B_p \Delta \varphi_{dp} + c_p \Delta \varphi_{dp}) - B_m \Delta \dot{\varphi}_{мв} - \Delta \varphi_{мв} - M_{иш}, \\
 J_{пв} \ddot{\varphi}_в &= u_{рв} (B_m \Delta \dot{\varphi}_{мв} + c_m \Delta \varphi_{мв}) - M_{иш} - M_c; \Delta \varphi_{др} = \varphi_d - \varphi_{ред} u_{др}, \\
 \Delta \varphi_{мв} &= \varphi_{ред} - u_{рв} \varphi_в; M_c = M_1 + M_0 \sin \omega_b t \pm \delta M_1,
 \end{aligned} \quad (7)$$

бунда,  $J_d, J_{пр}, J_{пв}$  – мос равишда двигатель валида, редуктор кириш валида, винт валидаги келтирилган инерция моментлари;  $c_p, c_m, B_p, B_m$  – занжирли узатма ва муфта айланма бикирлик ва диссипация коэффициентлари;  $M_1, M_0, \delta M_1$  – ташиладиган ва тозаланадиган пахта момигидан технологик юклама ташкил қилувчилари;  $M_{иш}$  – винт валидаги ишқаланиш кучлари momenti;  $M_d$  – двигательнинг ҳаракатлантирувчи momenti;  $\dot{\varphi}_d$  – двигатель ротори бурчак тезлиги.

Олинган (7) системани сонли ечими асосида тавсия қилинган занжирли узатмаси бўлган винтли конвейернинг двигатель ротори етакчи ва етакланувчи валлардаги бурчак тезликлар ва буровчи моментларнинг ўзгариш қонуниятлари иш унуми ва занжирни айланма бикирлигига боғлиқ ҳолда аниқланди. Боғланиш графиклари 10, 11-расмларда келтирилган. Графиклардан кўриниб турибдики,  $J_в/J_{др}$  нинг 0,25 дан 1,5 гача ошириш двигательга тушадиган юкларнинг ортишига олиб келади (10-расм).



1,3 –  $M_d = f(J/J_p)$   
 3,5 –  $\Delta \dot{\varphi}_d = f(J/J_p)$ ; 4,6 –  $\Delta \dot{\varphi}_в = f(J/J_p)$   
 1,5,6 –  $M_c = 47,0 \text{ Нм}$ ; 2,3,4 –  $M_c = 81,0 \text{ Нм}$   
**10-расм. Винт ва двигатель вали бурчак тезликлари тебранишлар қамровининг, двигатель валидаги айлантирувчи моментнинг массаларининг инерция моментлари қийматлари ўзгаришига боғлиқлик графиклари**



1,3 –  $\dot{\varphi}_d = f\left(\frac{c}{c_p}\right)$  2,4 –  $\dot{\varphi}_в = f\left(\frac{c}{c_p}\right)$   
 1,2 –  $M_c = 45 \text{ Нм}$ ; 3,4 –  $M_c = 60 \text{ Нм}$   
**11-расм. Пахта момигини ташиш ва тозалаш машинаси узатмасида конвейер винти ва двигатель роторидаги бурчак тезликларининг қайишқоқ узатмалар нисбий айланма бикирликлари ўзгаришига боғлиқлик графиклари**

Бунда двигател валидаги момент  $M_c = 47,0$  Нм дан  $80,9$  Нм гача ошади, юкламанинг қаршилик моментини  $81,0$  Нм гача ортишида эса двигател валидаги момент  $43,0$  Нм гача кўпаяди. Бунда винтнинг бурчак тезлиги тебранишлари қамрови  $(1,4 \div 1,6)c^{-1}$  гача пасайиб, бу ташиладиган пахта момигининг титилиши учун етарли бўлмайди. Тажриба маълумотларини ҳисобга олган ҳолда,  $\Delta\dot{\phi}_B = (2,0 \div 2,5)c^{-1}$  таъминлаш учун тавсия қилинадиган қийматлар қуйидагилар  $J_B/J_{dp} = (0,6 \div 0,8)$  ҳисобланади. Занжир ва муфта нисбий айланма биқирликларининг  $0,60$  дан  $1,2$  гача оширилиши  $M_c = 45$ Нм да  $\dot{\phi}_d$  нинг  $73 c^{-1}$  дан  $64,8 c^{-1}$  гача пасайишига олиб келади (11-расм). Бунда  $\dot{\phi}_B = 23,7c^{-1}$  гача пасаяди. Таъкидлаш лозимки,  $C/C_p$  оширилиши бурчак тезликларининг тенглашишига олиб келади. Шунинг учун тавсия қилинган қийматлар  $C/C_p = (0,75 \div 0,85)$  бўлиб, улар тўлқинсимон профилли винтнинг айланишидаги талаб қилинган нотекислигини таъминлайди.



Диссертациянинг «Тавсия қилинган ресурстежамкор занжирли узатмаларнинг конструкциялари тажрибавий тадқиқотлари» деб номланган бешинчи бобда технологик машиналарнинг юритмалари учун ишлаш муҳити ва юкланиш даражаларини инобатга олган ҳолда бир қатор занжирли узатмаларни янги ресурстежамкор конструкциялари тажрибавий нусхаларидаги тадқиқотлар натижалари келтирилган.

